ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АРХИТЕКТУРА ВА КУРИЛИШ ДАВЛАТ КУМИТАСИ

М. УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА ЛОЙИҲАВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ” КАФЕДРАСИ

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА

# ТУШУНТИРИШ ХАТИ

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ МАВЗУСИ:
“Самаркад вилояти Нарпай туманида жамоат маркази лойихаси”

| | |
|---|---|
| Битирувчи 502-ҚҲАЛТЭ гуруҳ талабаси: | Абдусаломова С. |
| Кафедра мудири: | Хидиров М.М |
| Диплом лойиҳаси раҳбари: | Абдукаримов Б.. |

**Самарқанд-2018**

**МУНДАРИЖА**

**КИРИШ**. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .

**АРХЕТЕКТУРА-МЕЪМОРИЙ ҚИСМ**:

Умумий тушунча. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .

**КОНСТРУКТИВ ҚИСМ**:

Лойиҳаланаётган бино ҳақида умумий маълумотлар. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .

Бинонинг фазовий-тарҳий ва конструктив ечими(пойдевор, даворлар, поллар, ораёпма, зиналар, томдеразалар ва эшиклар). . . . . . . . . . . . . . . . . . .

**ҚУРИЛИШ ИҚТИСОДИЁТИ ҚИСМИ**:

Бино қисмининг умумий иқтисодий ечимини ҳисоблаш. . . . . . . . . . . . . . . . . .

**ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ**:

Лойиҳаланаётган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини экологик таҳлил қилиш. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .

**УМУМИЙ ХУЛОСА**. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**. . . . .....................................

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2005 йили 30 август ”Шаҳар,шаҳар посёлклари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор талабаларини ва Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан имкон қадар қисқа муддатларда ва кам харажатлар эвазига таьминлаш мақсадида қишлоқ фуқоролари йиғини ҳудудиниг архитектура–режавий ташкиллаштириш бўйча комплекс лойиҳа ишлаб чиқишда қишлоқ турар жойларини географик жойлашуви, иқлим шароити, маиший хизмат кўрсатиш объектларини жойлашуви, ишлаб чиқариш ва табиатни хисобга олган холатда замонавий шаҳарсозлик хужжати билан таъминлаш зарурияти қайд қилинган.

Мустақиллик туфайли давлатимиз томонидан қишлоқ аҳолисининг муносиб ва сифатли турмуш кечириши ҳамда мамлакатимиз қиёфасини ҳар томонлама обод қилишнинг устувор вазифаларидан бири сифатида замонавий муҳандислик ва коммуникация, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган янги ҳамда кўркам уй-жой массивларини барпо этиш масаласи доимий диққат-эътиборда бўляпти. Қишлоқ аҳли ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага олиб чиқиш, унинг ривожини юқори поғонага кўтариш, шу асосда аҳоли турмуш сифатини янада ошириш йўлида қилинаётган улкан бунёдкорлик ишлари муҳим аҳамият касб этаяпти.

Хозирги кунда қишлокдаги шароитларни яхшилаш ва замонавий турар жойларни лойиҳалаш ва қуришга талаб ошмоқда. Қурилиш сифатлари ривожланмокда, қурилиш техникалари ҳам такомиллашиб боряпти. Шунинг учун қишлоқларни лойиҳалаш жараёнига катта эътибор бериляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил октябрдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши бу йўлдаги мухим қадам

бўлди. Қарорда нафақат шинам ва обод уйлар қуриш, айни пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат, ижтимоий-маданий ва санитария объектлари, газ, сув, электр энергияси тармоқлари, равон йўллар, қишлоқ аҳлининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий тураржой мавзеларини комплекс барпо этиш вазифаси аниқ белгилаб берилди.

Қишлоқ аҳоли ҳудудларини архитектуравий режалаштириш лойиҳаси - ҳар бир аҳоли пунктини ривожланиш истиқболининг ҳал қилинишини асоси ҳисобланган комплекс шахарсозлик хужжатидир. Бу лойиҳа қишлоқ фуқаролари йиғини ёки қишлоқ хужалик корхонасининг бутун ҳудуди, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш майдонлари, мухандислик иншоотлари, экинзорлар ва бошқалар учун ишлаб чиқилади. Бу каби хужжат тасодифий, ижтимоий-иқтисодий зарурияти тасдиқланмаган объектларнинг қурилишига йўл қўймайди.

Қишлоқ аҳоли ҳудудларини архитектуравий режалаштириш лойиҳасининг вазифаси қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудининг комплекс ривожланишини, функционал зоналашнинг мақсадга мувофиқ бўлишини белгилаш ва шунингдек, жойлаштириш тизимини шакллантирувчи барча аҳоли пунктларининг ўзаро боғлик, равишда ривожланишини рағбатлантириш, фермер хужаликларини тўлақонли фаолият кўрсатишини ва фермерлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини қулай шароитлар билан, фермер хужаликларини мухандислик, ижтимоий ва маданий хизмат курсатиш инфратузилмалари билан таъминлашдан иборат.

Қишлоқ ахли ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага олиб чиқиш, унинг ривожини юқори поғонага кўтариш, шу асосда аҳоли турмуш сифатини янада ошириш йўлида қилинаётган улкан бунёдкорлик ишлари муҳим аҳамият касб этаяпти. Буларнинг барчасида “Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади”, деган эзгу ғоя бош мезон бўлмоқда. Шулар негизида амалиётга жорий қилинган истиқболли ҳуқуқий-ташкилий чора-тадбирлар комплекси, давлат дастурлари қишлоқ

қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолига муносиб ҳаёт кечириши, меҳнат қилиши ва даромад топиши учун барча шароитлар тақдим этилаётгани эл фаровонлигини юксалтиришда айни муддао бўлмоқда.

## АРХИТЕКТУРА-МЕЪМОРИЙ ҚИСМ

Мустақиллик туфайли давлатимиз томонидан қишлоқ аҳолисининг муносиб ва сифатли турмуш кечириши ҳамда мамлакатимиз қиёфасини ҳар томонлама обод қилишнинг устувор вазифаларидан бири сифатида замонавий муҳандислик ва коммуникация, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган янги ҳамда кўркам уй-жой массивларини барпо этиш масаласи доимий диққат-эътиборда бўлиб келаяпти. Зеро, дунё тажрибасидан ҳам маълумки, замонавий уй-жой қурилишида ҳудудларнинг инфратузилмасини янгилаш ва замонавийлаштириш ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ривожида муҳим ўрин тутади. Шу асосда соҳага инвестициялар кенг жалб этилиб, улар аҳоли фаровонлиги, янги иш ўринлари очишга йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, хусусий уй-жойга эга бўлган аҳоли қатламлари, айниқса, ўрта синф вакилларининг жамиятдаги ижобий ўзгаришларга дахлдорлиги ҳамда тараққиётдаги роли ортади.

Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш, бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмуни ҳисобланади.

Ҳар бир аҳоли пунктини ривожланиш истиқболиниг ҳал қилинишини асоси ҳисобланган комплекс шаҳарсозлик ҳужжатидир. Бу лойиҳа қишлоқ фуқоролари йиғини ёки қишлоқ хўжалик корхонаснинг бутун ҳудуди, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш майдонлари, муҳандислик иншоотлари, экинзорлар ва бошқалар учун ишлаб чиқилади. Бу ҳужжат

тасодифий, ижтимоий-иқтисодий зарурияти тасдиқланмаган обьектлариниг қурулишга йўл қўймайди ва нихоят,қишлоқ фуқоролари йиғини ҳудудиниг меьморий –режавий ташкиллаштириш лойиҳаси барча қишлоқ фуқоролари йиғини бош режаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ фуқаролари йиғини территориясининг комплекс ривожланиши, функционал зоналашнинг мақсадга мувофиқ бўлишини белгилаш, жойлаштириш тизимини шакллантурувчи барча аҳоли пунктлариниг ўзаро боғлиқ равишда ривожлантиришни рағбанлантириш, фермер хўжаликларини тўлақонли фаолият кўрсатишининг ва фермерлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини қулай шароитлар билан фермер хўжаликларини муҳандислик, ижтимоий ва маданий ҳизмат кўрсатиш инфратузилмалари билан таъминлашдан иборат.

**Қишлоқ манзилгоҳларининг жамоат марказлари.** Қишлоқ манзилгоҳларининг жамоат марказлари тизимини туман режалаштиришнинг схема ва лойиҳалари қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларининг меъморий-режавий схемаларига боғлиқ ҳолда қуйидаги таркибда ишлаб чиқиш жоиз бўлади: қишлоқлараро хизмат маркази вазифасини бажарувчи жамоат маркази; маҳалла марказлари.

Жамоат марказлари тузилмаси ва таркибини манзилгоҳ катта-кичиклиги, хўжалик ва туманга хизмат кўрсатиш тизимидаги унинг вазифаси ҳамда манзилгоҳни режалаштириш тузилмаси хусусиятларига мувофиқ равишда аниқлаш жоиз.

Режада чизилган ё қисмларга бўлиб юборилган шаклга эга манзилгоҳларда хизмат кўрсатишнинг қўшимча марказларини олдиндан мўлжаллаб қўйишга тўғри келади.

Жамоат марказининг режалаштириш ечимида тежамкорликни ошириш учун вазифаси жиҳатидан яқин бўлган ҳудудларни бирлаштириш ва жамоат маркази қурилишида биноларнинг йириклаштирилган ширкат намуналаридан фойдаланиш кўзда тутилади.

Қишлоқ ҳудуди ҳар қандай ҳолатда ҳам шаҳар ҳудудидан кичик бўлади ва бу ҳол унинг марказигача пиёдаларнинг бемалол қатновини таъминлайди. Шунинг учун ҳам қишлоқларда моносентрик, яъни бир марказли тизим қўлланилади. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ягона жамоат марказида жойлашади.

**Битирув малакавий иши**да Нарпай тумани маҳалла марказининг таклиф лойиҳаси бажарилган.

Мажмуада маҳалла маркази биноси , унинг рўпарасида маиший хизмат кўрсатиш биноси ҳамда юқори қисмда эса ёшлар маркази биноси, ҳожатхона ва мини стадион жойлаштирилган.

Маҳалла маъмурий биноси. Маъмурий бинолар, молия, алоқа муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, жамоатчилик тартиби бўлимлари, қишлоқ кенгашлари посёлканинг жамоатчилик маркази ҳудудида жойлаштирилиши ва маъмурий-жамоатчилик хизматининг тўлиқ кўрсатилишини таъминлаши керак. Биноларни имкони борича бирлаштириш керак.

Жойлаштириш ҳажми ва жойи ҳар бир муайян ҳолатда лойиҳалаштиришга доир топшириққа биноан белгиланади.

Бинолар ва муассасаларнинг тавсия қилинадиган рўйхати, уларнинг сиғими ва қишлоқ хўжалик корхонасининг аҳоли пунктлари бўйича жойлаштирилиши қуйидаги жадвалда келтирилган.

**Маданий-маиший мақсаддаги объектларнинг тавсия қилинадиган рўйхати ва уларнинг посёлкаларда жойлаштирилиши юзасидан таклифлар**

| № т/р | Объектлар номи | Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши): | |
|---|---|---|---|
| | | 100-200 | 201-500 |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1. | Маҳалла маркази | 1 объект | 1 объект |
| | Маъмурий хона | 48 м2 | 60 м2 |
| | Зал - универсал (спорт; тантанали тадбирлар; рақс майдончаси) | 50/100-70/100 киши/м2 | 100/150-150/150 киши/м2 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Чойхона | 6-8 киши | 10-15 киши |
| | Обинон новвойхонаси | 24 м2-24 м2 | 24 м2- 24 м2 |
| | Қандолатчилик маҳсулотлари | 24 м2-24 м2 | 24 м2-24 м2 |
| | Якка тартибдаги буюртмалар пункти | 12 м2-12 м2 | 12 м2-12 м2 |
| | Кундалик эҳтиёждаги моллар дўкони | 12-15 м2 савдо зали<br>12-15 м2 омборхона | 12-15 м2 савдо зали<br>12-15 м2 омборхона |
| 2. | Тиббий блок<br>Терапевт - кенг профилдаги шифокор;<br><br>Патронаж ҳамшираси;<br>Тиш шифокори;<br>Акушер-гинеколог;<br>Лаборатория | <br>60 м2Қ12 м2 кабинет<br>24 м2<br>24 м2<br>24 м2<br>24 м2 | <br>60 м2Қ12 м2 кабинет<br>24 м2<br>24 м2<br>24 м2<br>24 м2 |
| 3. | Маиший хизматлар блоки:<br>Сартарошхона;<br>Тикувчилик устахонаси. | <br>36 м2<br>36 м2 | <br>36 м2<br>36 м2 |

Маҳалла маъмурий биноси. Бинонинг умумий майдони 337.9 $м^2$ бўлиб бинода қуйидаги хоналар жойлаштирилган.

1.Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси хонаси

2.Тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича таркиб хонаси

3. Чойхона

4. Чой дамлаш хонаси

5. Хотин-қизлар комитети хонаси

6. Йўлак

7. Милитция таянч пункти

8. Посбон хонаси

9. Ёрдамчи хона

10.Фоаллар зали

11. Котиба хонаси

12. маҳалла раиси хонаси

Ёшлар маркази биноси

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, махсус курслар ташкил қилиниб касб-ҳунарга йўналтириш, иш билан таъминлаш учун ёшлар маркази биноси лойиҳаланди. Чунки қишлоқ жойларида ҳам ижодий фаолиятга хос бўлган тадбирларга(ҳаваскорлар ижодиёти, умумий қизиқиш бўйича бирлашиш, ўйин-кулги билан вақт ўтказиш) интилиш сезилмоқда.

Лойиҳада ёшлар маркази биноси кучадан куриниб турадиган жойда жойлаштирилган.

Ёшлар макази биносида қуйидаги хоналар жойлаштирилган.

1. Вестибюл
2. Фое
3. Тўгарак хона
4. Бошлиқ хонаси
5. Пазандачилик тўгараги
6. Тикувчилик тўгараги
7. Шахмат-шашка тўгараги
8. Мусиқа тўгараги
9. Фаоллар зали
10. Чет тиллар тўгараги
11. Йўлак.

Маиший хизмат кўрсатиш биноси.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғининг ташкил этилиши қуйидагилар бўйича таклифларни ўз ичига олиши лозим:

-қишлоқ хўжалик корхонасининг бутун ҳудудида мактабгача ва мактаб таълими тармоғининг ташкил қилиниши;

-қишлоқ хўжалик корхонаси аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши;

-қишлоқ хўжалик корхонаси аҳолисига маданий-маърифий ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ташкил этилиши;

-қишлоқ хўжалик корхонаси аҳолисига рекреацион хизмат кўрсатилиши;

-қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудида маъмурий ва жамоатчилик ташкилотларининг жойлаштирилиши.

Хизмат кўрсатиш тармоғининг лойиҳалаштирилиши қуйидаги тизимга кўра бажарилиши лозим:

-кундалик хизмат кўрсатиш (маҳалла маркази, дўкон, чойхона, сартарошхо-на, кийим-кечак ва пойафзалларни таъмир-лаш ва тикиш, дорихона, дам олиш ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти учун хоналар ва ҳоказо).

- Бундай муассасалар пиёда етиб борадиган жойлар доирасида бўлиши ва фақат жуда кам ҳоллардагина транспортда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда жойлаштирилишига йўл қўйилади. Хизмат кўрсатиш объектлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

| №№ т/р | Муассасалар номи | Хизмат кўрсатиш радиуслари, м. |
|---|---|---|
| 1. | Маҳалла маркази | |
| | А. Маҳалла қўмитаси идораси | 300-500 |
| | Б. Дам олиш ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти учун хоналар (видеозал, ўйин автоматлари) | 300-500 |
| 2. | Чойхона | 500-700 |
| 3. | Сартарошхона | 500-700 |
| 4. | Пойафзални таъмирлаш пункти | 600-750 |
| 5. | Дорихона дўкончаси | 500-700 |

| | | |
|---|---|---|
| 6. | Озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони | 500-700 |
| 7. | Мавсумий савдо учун айвон (бозорча) | 500-700 |

Аҳоли сони 1000 кишидан ортиқ бўлган посёлкаларда қуйидаги объектлар (маданият уйлари, дам олиш марказлари, универмаг, бозорлар, ресторанлар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, кимёвий тозалаш пунктлари, кир ювиш пунктлари, банклар ва бошқалар) жойлаштирилади.

Савдо объектларининг жойлаштирилишини қишлоқ хўжалик корхонаси-нинг ҳамма посёлкаларида товарларни харидорларнинг талабларига қараб тақсимлашни ҳисобга олиб амалга ошириш лозим. Ҳар қандай, энг кичкина дўкон ҳам аҳоли пунктига хизмат кўрсатиш маркази ҳисобланади.

Аҳоли сони кам бўлган (100-500 киши) қишлоқларда уйлар қошида (пойафзал таъмирлаш устаси, тикувчи, телерадиоустаси ва шу кабиларнинг уйларида) маиший хизматларнинг ташкил этилиши тавсия қилинади. Маиший хизматлар блокининг бошқа муассасалар (савдо объектлари, меҳмонхона, ҳаммом ва шу кабилар) билан бирлаштирилиши ҳам мумкин.

Рекреацион хизмат кўрсатиш тизими объектларини уларнинг мақсадларига кўра қуйидаги объектларга бўлиш керак:

– Кундалик хизмат кўрсатиш объектлари - болалар учун ўйин майдончалари, катта ёшдаги аҳолининг дам олиши учун майдончалар, маҳалла марказлари участкалари, посёлка парклари, хиёбонлари, шунингдек, дарёлар, табиий ва сунъий сув ҳав-залари ёнидаги пляжлар. Бундай объектлар аҳолининг пиёда 5-10 минутда етиб олиши мумкин бўлган жойларда (200-500 метр) жойлаштирилади.

Спорт бинолари ва иншоотлари тармоғи жисмоний-маданий тарбия талабла-рини қондириш учун зарур бўлган ҳажмда қишлоқ хўжалик корхонасининг бутун аҳо-лисига қуйидагича тамойилга кўра хизмат кўрсатилишини ҳисобга олиб лойиҳалашти-рилиши лозим:

Спорт билан ҳар куни шуғулланиш учун мактаб ўқувчилари ва катта ёшдаги аҳолининг спорт ўйинлари ва машғулотлари учун майдончалар, улар

пиёда 5-10 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойларда (тураржой гуруҳлари ичида, мактаб қошида, маҳалла маркази яқинидаги рекреацион комплексда) жойлаштирилиши лозим.

Спорт иншоотларини лойиҳалаштиришда улардан кўп мақсадларда фойдаланиш тамойилига асосланиш лозим бўлади.

Маиший хизмат кўрсатиш биносида қуйидаги хоналар жойлаштирилган.

1. Савдо дўкони
2. Гўшт дўкони
3. Хўжалик моллари дўкони
4. Аёллар сартарошхонаси
5. Эркаклар сартарошхонаси

Қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини лойиҳалаштиришда тегишли мақсаддаги муассасалар ва корхоналар қошидаги манзилгоҳлараро хизмат кўрсатиш марказларида турадиган кўчиб юриш воситаларининг кенг ривожлантирилишини назарда тутиш зарур.

Қишлоқ ҳудуди ҳар қандай ҳолатда ҳам шаҳар ҳудудидан кичик бўлади ва бу ҳои унинг марказигача пиёдаларнинг бемалол қатновини таъминлайди. Шунинг учун ҳам қишлоқларда моносентрик, яъни бир марказли тизим қўлланилади. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ягона жамоат марказида жойлашади. Айрим ҳолларда мактаб биноси ҳам жамоат маркази таркибига кириши мумкин. Бу катта ёшдаги аҳолининг кечки вақт мактабнинг жамоат хоналари, спорт зали ва спорт майдончаларидан фойдаланишига имкон беради. Жамоат марказининг режалаштириш ечимида тежамкорликни ошириш учун вазифаси жиҳатидан яқин бўлган ҳудудларни бирлаштириш ва жамоат маркази қурилишида биноларнинг йириклаштирилган ширкат намуналаридан фойдаланиш кўзда тутилади.

## Биноларнинг конструктив қисми

Бинонинг конструктив ечими лойҳалаштиришнинг дастлабки босқичида конструктив ва қурилиш системаларини ҳамда конструктив схемаларни танлаш билан белгиланади.

Конструктив система бинонинг мустаҳкамлигини, устиворлигини таъминловчи, ўзаро боғланган юк кўтарувчи конструкцияларнинг мажмуасидир. Конструктив системани танлаш билан бинодаги ҳар бир конструкциянинг статик ролини белгилаймиз.

Бинодаги юк кўтарувчи конструкцияларни горизонтал ва вертикал элементлардан иборат дейиш мумкин. Горизонтал юк кўтарувчи конструкциялар (том ёпмалари, қаватлараро ёпмалар) ўзларига тушадиган барча вертикал юкларни қабул қилиб олиб, вертикал юк кўтарувчи конструкциялар (деворлар)га узатади ва вертикал юк кўтарувчи конструкция эса устунсимон пойдеворга узатади. Шу билан бирга горизонтал юк кўтарувчи конструкциялар бинодаги бикрлик диафрагмаси вазифасини ҳам бажарадилар, яъни горизонтал юклар ва таъсирларни (шамол, зилзила ва бошқа) қабул қилиб вертикал юк кўтарувчи конструкцияларга узатадилар.

**Қурилиш конструкциялари** деганда қурилиш ишлари жараёнида ўзаро боғланган элементлардан яралган бино ёки иншоотнинг турли вазифага мўлжалланган (бино девори, том, ёпма, пойдевор ва шунга ўхшаш) қисми тушунилади.

**Пойдевор** –бинонинг ер ости конструктив элементи булиб, юқорида турган ҳамма вертикал конструкциялардан юкни қабул қилиб, асосга узатади. Бинонинг узоққа чидамлиги, мустаҳкамлиги ва устиворлиги кўп жиҳатдан пойдеворнинг сифатига боғлиқ.

Пойдевор қуйма бетондан иборат бўлиб, қалинлиги 400 мм ни, чуқурлиги полга нисбатан 1,2 м чуқурликда жойлашган. Пойдевор ён сиртлари эритилган битум билан 2 марта суртилади.

**Ташқи деворлар** бинодаги ички сунъий яратилган муҳитни ташқи муҳитдан ажратиб туради ва бино фасадининг асосий композиция вазифасини ҳамда, кўпинча, юк кўтариш вазифасини ҳам бажаради. Девори - оддий пишган ғиштдан бўлиб, ўлчамлари узунлиги 250мм, эни 120 мм, баландлиги 65 мм ни ташкил этади. Деворнинг қалинлиги 380 мм.

**Ички деворлар** одатда юк кўтариш ҳамда тўсиқ конструкция вазифасини бажаради. Ички деворлар ҳам худди юқорида келтирилган ўлчамдаги ғиштдан терилган. Ғишт теришда М – 50 маркали қоришмадан фойдаланилади.

**Пардадеворлар** биноларнинг қаватларини хоналарга ажратиш учун қўлланиладиган юпқа, юк кўтармайдиган, вертикал ички тўсиқ конструкциясидир.

Бинонинг пардадевори ғиштдан иборат бўлиб, девор қалинлиги $\delta = 120$ мм 0,5 қаторли, майда ғишт ўлчамлари 250х120х65 мм ни ташкил этиб, ушбу бинонинг девори цемент қум қоришмаси маркаси М50 дан кам бўлмаган қоришма билан терилади.

**Цоколь** деворнинг 1-қават поли сатҳидан пастда жойлашган бино атрофидаги ер сатҳигача бўлган қисми бўлиб, деворни атмосфера намлиги ва бошқа таъсирлардан сақлайди, ҳамда тўғридан-тўғри пойдевор устида ётади.

**Қаватлараро ёпма** биноларнинг ички фазосини қаватларга бўлиб турувчи горизонтал тўсиқ конструкциядир.

**Ёпмалар** биноларнинг юқориги горизонтал тўсиқ конструкциясидир. У ҳам ички муҳитни ташқи муҳитдан ажратиб туради.Устки ёпма плиталари – йиғма темир-бетон тешикли бўлиб, серияси 1.152.1 – 78, маркаси П $\frac{12x3}{3AIV} - 1, П\frac{9x-3}{1A-IV} - 2,\ П\frac{9x1.5}{IF-IV}$ ПВЗ - 1А-III лардан ташкил топган бўлиб, уларнинг узунлиги 5,9, 2,90м, эни 0,22 м қалинлиги 350, 150 мм га тенг.

**Иссиқ сақловчи қатлам** – сифатида ҳажмий 600 кг/м$^3$ бўлган керамзит қабул қилинган. Унинг қалинлиги том ёпмасининг теплотехник ҳисоби асосида аниқланади. Нам ўтказмайдиган қатлам сифатида бир қаватли тол тўшамасидан фойдаланилган. Бундан ташқари цементли сувоқ, қум қоришмаси уларнинг қалинлиги 200 мм га тенг.

**Поллар** –бинодаги хоналарда инсон учун яхши шароит яратиш ва санитария гигена талабларига жавоб берадиган сирт ҳосил қилиш учун ертўла, сокол ва қаватлараро ёпмалар устида ёки биргина қаватлараро бевосита грунт пол қилинади. Пол қалинлиги 29 мм ли бўлиб, ошхона, ваннахона ва ҳожатхоналарда намлик доимий бўлганлиги учун, ушбу хоналарда керамик плиталар ўрнатилади.

**Зинапоялар.** Ушбу лойиҳаланилаётган биномизда фойдаланилган зинапоялар темир-бетондан ишланган зинапоялар.

250-250 мм-ли бўлган арматура каркаси билан жиҳозланган.

**Том ёпмаси** бинонинг устки якунловчи ва уни қор, ёмғир ва бошқа нобоп таъсирлардан ҳимоя қилувчи қисмидир.Том ёпмаси чердакли бўлиб, черепица ёки метал материалдан фойдаланилган.




**Ички пардоз ишлари** – деворлар пишиқ гиштлардан ташкил топганлиги сабабли ички томони оҳак-қум қоришмаси раствор билан сувоқ қилинган. Намлик билан боғлиқ бўлган хоналар керамик плита билан қопланган. Бино шифти чоклар цементли қоришма билан текисланган.

**Ташқи пардоз ишлари**- бинонинг ташқи деворлари цемент-қум қоришмаси билан сувоқ қилинган, 2 марта оҳакланиб, дурадгорлик буюмлари 2 марта рангланган.

**Бинонинг зилзилабардошлиги** - қурилиш майдони ер қимирлайдиган район бўлганлиги учун бинони зилзила бардошлигини ошириш учун ушбу муҳандислик ишлари олиб борилади. Бинонинг умумий зилзила бардошлигини ошириш учун том ёпмаларга сейсмик белбоғлар қурилади.

**Деразалар** – стандарт буюмлардан тайёрланган бўлиб Ўзбекистон Республикаси территорияси катологига мос равишда танланади (КСИ - 85).

Лойиҳада узунлиги l x 1.5, l x1.2, l x 0.90 м, эни эса 1.5, қалинлиги 54 мм ташкил этади (ГОСТ 11214 - 78).




**Эшиклар** – ҳам ҳудди деразалар каби стандарт элементлардан ташкил топган. Қабул қилинагн ўлчамлар қуйидагича: узунлиги 2,10 м, 2,20 м, эни 1,5 м, 1,0 м, 1,35 м, 0,90 м, 0,7 м бўлиб, қалинлиги эса 54 мм га тенг.




## <u>Ғишт деворнинг теплофизик ҳисоби</u>

Теплофизик ҳисоблар учун зарур бўлган маълумотларни аниқлаймиз.

1. Қурилиш ҳудуди топшириқ бўйича Нарпай тумани.

3. Қўлланмадаги 6 иловадан Нарпай тумани ташқи ҳавоси ҳисобий температураси $t_n$ сифатида қуйидаги маълумотларни аниқлаймиз:

- энг совуқ сутканинг 0.98 бўлган ўртача температураси$t_n$ = -21$^o$C

- энг совуқ суткаларнинг таъминланганлиги0.92бўлган ўртача тамператураси $t_n$ = -18 $^oC$

- энг совуқ 5 кунликнинг 0.92 бўлган ўртача тнмператураси $t^5{}_n$ = -17 $^oC$.

- энг совуқ уч кунликнинг таъминланганлиги 0.92 бўлган ўртача температураси

$$T^3{}_n = \frac{tn - t5n}{2} = \frac{-18-17}{2} = -\frac{35}{2} = -17.5^oC.$$

- июль ойининг ўртача температураси $t_n$ =30$^o$C

4. Кўлланмадаги 6 иловадан  Нарпай тумани учун июль ойидаги самарканд ташқи ҳаво температураси суткалик ўзгаришларининг максимал амплитудасини аниқлаймизА $_{tn}$ =25.2$^o$C

5. Конструкция девор бўлганлиги учун қўлланманинг 6 иловасидан ғарбга қараган вертикал сирт учун йиғинди ва ўртача қуёш радиакциясини аниқлаймиз.

$J_{ep}$ = 166 вт/ м$^2$

$J_{max}$ = 730 вт /м$^2$

6. Қўлланмадаги 6 иловадан Нарпай тумани учун румплар бўйича қайталаниши 16% ва ундан ортиқбўлган шамол ўртача тезликларининг июль ойи учун минимал қийматини аниқлаймиз.

v = 2.4 м/сек

7. Тўсиқ конструкцияси хисобланаётган яшаш хонасининг вазифасига мувофиқ равишда 1 иловадан лойиҳаланаётган хона учун ички хонанинг ҳисобий температураси ва нисбий намлигини аниқлаймиз

$t_o$ =18$^o$C  ва $\varphi_b$ =55%

8. Девор ҳам ичкаридан ва ташқарисидан 15 мм оҳак-кум қоришмаси билан сувалган, қоришманинг ҳажмий оғирлиги γ = 1600

кг/м$^3$




Ғишт деворнинг конструктив ечими.

1 ва 3- сувоқ қопламаси; 2 – ғишт терма.

Деворнинг қалинлиги 1.5 ғишт (380) бўлиб, яхлит қилиб цемент-қум қоришмасида терилган ғиштнинг ҳажмий оғирлиги $\gamma$ = 1800 кг/м$^3$9 иловадан конструкцияларни эксплуатация қилиш шароитига боғлиқ ҳар бир материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлаймиз.

- сувоқ қатлам учун $\lambda_1 = \lambda_3$ = 0.7 вт/м$^{2o}$С

- терилган ғишт учун $\lambda_2$ = 0.7 вт/м$^{2o}$С

Иссиқлик ўзлаштириш коэффициентини аниқлаймиз

- терилган ғишт учун $S_1$= $S_3$= 8.69 вт/м$^{2o}$С

- сувоқ қатлам учун $S_2$ = 9.20 вт/м$^{2o}$С

9. Хонанинг вазифаси ва конструкциянинг турига мувофиқ равишда қўлланманинг 7 иловасидан температуранинг норматив фарқини аниқлаймиз.

$\Delta t_n$= 6$^o$С

10. Тўсиқ конструкция тури ва унинг сиртлари ҳарактерига боғлиқ ҳолда қзлланманинг 4 – иловасидан ички сиртлар иссиқлик бериш коэффицентини ва 5 иловасидан ташқи сиртлар иссиклик бериш коэффициентларини аниқлаймиз.

$\alpha_b$ =8.7вт/м$^{2o}$С ва $\alpha_n$ = 23вт/м$^{2o}$С

11. Конструкциянинг турига мувофиқ равишда қўлланманинг 8 иловасидан ташқи сиртнинг ташқи ҳавога нисбатан ҳолатини ҳисобга олувчи коэффициентни аниқлаймиз.n = 1

12. Қўлланманинг 10 иловасидан ташқи конструкция ташқи сирт материалининг қуёш радиациясини ютиш коэффициентини ρ ни аниқлаймиз

$\rho = 0.7$

<u>Қиш шароити учун теплофизик ҳисоби</u>

1. Ғишт девор бир текисли конструкция ҳисобланганлиги учун тўпланган маълумотлардан фойдаланиб 3.1 формула асосида олинган қуйидаги формула ёрдамида конструкциянинг иссиқлик ўтказишга умумий қаршилигини аниқлаймиз.

$R = \frac{1}{\alpha б} + \frac{\delta}{\lambda} + \frac{\delta}{\lambda} + \frac{\delta}{\lambda} + \frac{1}{\alpha} = \frac{1}{8.7} + \frac{0.015}{0.7} + \frac{0.38}{0.7} + \frac{0.015}{0.7} + \frac{1}{23}$=0.744вт/м$^{2o}$C

2. 3,2 формула асосида олинган қуйидаги формула ёрдамида конструкциянинг иссиқлик инерциясини аниқлаймиз.

$D = \frac{\delta}{\lambda} \cdot S^1 + \frac{\delta}{\lambda} S^2 + \frac{\delta}{\lambda} S^3 + \frac{1}{\alpha} = \frac{0.015}{0.7} \cdot 8.69 + \frac{0.38}{0.7} \cdot 9.20 + \frac{0.015}{0.7} \cdot 8.69$ =5.362 вт/м$^{2o}$C

3. $4 \leq D = 5.362 \leq 7$ ,бўлганлиги учун 11 бетдаги кўрсатмаларга биноан ташқи ҳавонинг ҳисобий температураси $t_n$ - сифатида 3 бандда аниқланган $t_n$ =-17$^o$C ни қабул қиламиз.

4. Қуйидаги 1.13 формула ёрдамида конструкция учун иссиқлик ўтказишга қаршиликнинг талаб этилган қийматини аниқлаймиз.

$R_o^{тр} = \frac{(tb-tn)}{\Delta tn \cdot \alpha} = \frac{(18+17) \cdot 1}{6 \cdot 8.7}$ =0.68 м$^2$/вт

5. Ro ≥Ro$^{тр}$шартнинг бажарилиниши текширамиз

Ro= 0.744вт/м$^{2o}$C ≥Ro$^{тр}$= 0.68 вт/м$^{2o}$C

Шарти бажарилганлиги, яъни конструкциянинг иссиқлик ўтказишга умумий қаршилиги етарли бўлганлиги учун конструкцияни иссиқлик устиворлигини текширишга ўтамиз.

6. Девор учун D = 5.362 ≥ 4 бу ҳолда конструкциянинг иссиқлик устуворлигини ҳисобламаслик мумкин.

# ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ

## “Жамоат маркази” бинолари лойиҳасини техник-иқтисодий баҳолаш

Бинолар лойиҳасининг ҳисобланган техник-иқтисодий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда умумлаштирилади:

1-жадвал.

**Бино лойиҳасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари**

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа бўйича кўрсаткичлари |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | *Ҳажм-планировка характеристикаси* | | |
| 1 | Қаватлар сони | қават | 1 |
| 2 | Умумий (фойдали) майдон | $м^2$ | 729 |
| 3 | Умумий келтирилган майдон | $м^2$ | 729 |
| 4 | Ишчи майдони | $м^2$ | 449 |
| 5 | Ёрдамчи майдон | $м^2$ | 280 |
| 6 | Конструктив майдон | $м^2$ | 63 |
| 7 | Ташқи деворлар периметри | М | 116 |
| 8 | Қурилиш майдони | $м^2$ | 792 |
| 9 | Бинонинг қурилиш ҳажми | $м^3$ | 3326 |
| | *Ҳажм-планировкакўрсаткичлари* | | |
| 1 | Планировка коэффициенти | $К_1$ | 0,62 |
| 2 | Ҳажм коэффициенти | $К_2$ | 4,56 |
| 3 | Конструктив коэффициенти | $К_к$ | 0,08 |
| 4 | Режанинг ихчамлик коэффициенти | $К_{кп}$ | 0,15 |
| | *Смета қиймати кўрсаткичлари* | | |
| 1 | Жорий баҳолардаги қурилишнинг умумий смета қиймати | минг сўм | 1 341 616,9 |
| 2 | Қурилишнинг смета қиймати: | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
